

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 26 март • №12 (1344)

Халқаро ҳамкорлик

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ГЕРМАНИЯЛИК ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев юртимизда бўлиб турган Германиянинг тажрибали мутахассисларидан иборат тиббий гуруҳни қабул қилди.



Маълумки, бундан аввал пандемия шароитида Германиянинг энг нуфузли Роберт Кох институтининг малакали эпидемиолог, анестезиолог-рениматолог, инфекционист каби тажрибали мутахассисларидан иборат гуруҳлар икки марта Ўзбекистонга келишди. Делегациялар ташриф давомида коронавирусга қарши курашда юртимиз шифокорларига яқиндан кўмак бериб, уларга керакли тавсиялар беришди. Инфекцияга чалинган беморларни даволашда бевосита иштирок этишди, тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишди ва ўзаро тажриба алмашишди. Ҳозирги ташриф эса учинчиси бўлиб, бу сафар делегация таркибида Европанинг нуфузли Роберт Кох институтидан ташқари Шарите университет клиникаси вакиллари ва Германиянинг юқори малакали вирусолог, инфекционист, телемедицина бўйича мутахассислари ҳам бор. Бу эса ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтириладиган даллатдир. Мулоқот давомида Абдуҳаким Хаджибаев яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Германия канцлери Ангела Меркел ўртасида бўлиб ўтган онлайн-саммитда ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкор-

тадқиқот маркази бўлган Роберт Кох институти билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиши таъкидланганини айтди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланган давлатларнинг етакчи тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот марказлари, клиникалари билан ҳамкорлик қилиш масаласига юртимизда катта эътибор қаратилганлигини айтиб ўтилди. Ай-



лиқни ривожлантириш масаласи алоҳида тилга олинганини эслатиб ўтди. Айниқса, икки мамлакат раҳбари мулоқот даврида юқумли касалликларни ўрганиш соҳасида Европанинг нуфузли

ниқса, Европанинг икки нуфузли тиббиёт маскани бўлмиш Роберт Кох институти ва Шарите университет клиникаси билан ҳам самарали алоқаларни ривожлантириш, мутахассислар ўртасида

тажриба алмашишни йўлга қўйиш кўзда тутилгани, ушбу делегация ташрифи эса бунга замин яратиши қайд этилди.

– *Ўзбекистонлик тиббиёт ходимларига меҳмондўстлик учун алоҳида миннатдорлик билдираемиз, – деди Роберт Кох институтининг Халқаро тиббиёт маркази директори Андреас Янсен.* – Биз ташриф буюрган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказидаги яратилган шароитлар билан танишдик. Ушбу марказларнинг мутахассислари билан тажриба алмашиш тўғрисида келишиб олдик. Асосийси, биз ҳамкорлик алоқаларимизни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Шунингдек, Германиянинг бошқа тиббиёт муассасалари ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Ўйлайманки, кейинги ташрифларимиз давомида сафимизда улар ҳам бўлишади.

Соғлиқни сақлаш вазири Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН ФТИЗИАТРИЯСИ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФДА

Роберт Кох томонидан 1882 йил 24 март кунини сил касаллиги патогени аниқлангани муносабати билан дунё бўйлаб шу кун Жаҳон силга қарши кураш кунини эитиб белгиланган. ЖССТ маълумотиغا кўра, дунёда йилга 8,6 миллион киши туберкулёз (сил) хасталигига чалинмоқда, 1 миллиондан ортиқ бемор эса унинг турли асоратлари тўғрисида вафот этади. Шу боис, жаҳон миқёсида бу касалликнинг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш ва даволашнинг замонавий усулларини татиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.



Мамлакатимизда инсон саломатлигига жиддий таъсир этаётган ушбу долзарб тиббий-ижтимоий муаммага қарши курашиш соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бугунги кунда юртимизда туберкулёзга қарши кураш ишларини ташкил этишда тиббий-профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари йўлга қўйилган. Хусусан, бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида махсус хоналар ташкил этилган ва замонавий тиббий-таҳлил воситалари билан жиҳозланган. Туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларда эса касалликка барвақт ташхис қўйиш ва уни эрта аниқлаш имконияти яратилган. Аҳолига бу йўналишда ихтисослашган тиббий ёрдамни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш бо-



расида ҳам барча шароитлар мавжуд. Кейинги йилларда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг диспансерлари тубдан таъмирланди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлан-

ди. ЖССТ томонидан тавсия этилган «Туберкулёзга барҳам бериш» стратегиясига кўра бу йўналишда ишлаб чиқилган миллий дастур ўз самарасини бермоқда. Ушбу стратегияни амалга ошириш натижа-

(Давоми 2-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН ФТИЗИАТРИЯСИ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФДА



сида туберкулёзга чалинган беморлар стандарт диагностика ва клиник хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, халқаро стандартларга жавоб берадиган даво олмақдалар. Фтизиатрия муассасаларида туберкулёзга қарши дори воситаларига чидамли турларни ташхислашни мукаммаллаштириш мақсадида 50 дан

(Давоми. Боши 1-бетда)

ортиқ ўта замонавий генно-молекуляр диагностика аппаратлари ўрнатилди. Узлуксиз ва кенг қамровли даволанишни таъминлаш учун бу касалликка чалинган беморларга юқори сифатли даволаш курси учун дорилар бепул берилади. Дориларга чидамли туберкулёзга чалинган беморларни даволаш учун замонавий қисқа курслар жорий этилмоқда ва унга қарши янги дорилар қўлланилмоқда.

– Илгарилари туберкулёзни аниқлашга 3-4 ойлаб вақт талаб этиларди. Тиббиётга диагностика ва даволашнинг янги усуллари кириб келиши натижасида бугунги кунда касалликка генно-молекуляр усулда бор-йўғи 70 дақиқа ичида аниқ ташхис қўйилмоқда, – дейди **Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Наргиза Парпиева**. – Илғор операция усуллари жорий этилиши, самарали дори-дармонлар қўлланилиши натижасида беморларнинг касалликдан соғайиш муддати ҳам 2 йилдан 9 ойга қисқарди. Тиббиётимиздаги бундай муҳим ютуқлар туфайли юртимизда туберкулёз билан касалланиш кўрсаткичи 2,5 баробарга, ўлим кўрсаткичи 6-8 баробарга қисқарди. Айни пайтда олимларимиз туберкулёзга чалинган беморларнинг даволаниш курсини яна олти ойга қисқартириш устида илмий изланишлар



олиб бормоқда. Яна бир эътироф этишга арзирли ютуғимиз, ЖССТ маълумотида кўра, туберкулёзга қарши олиб борилган тадбирларнинг натижалари бўйича **Ўзбекистон фтизиатрия хизматининг Европа ҳудудидаги 53 мамлакат орасида кучли учталиқдан ўрин олгани бўлди**. Яъни, мамлакатимиз бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудига кирувчи 53 мамлакат орасида силга қарши курашиш дасту-

рининг бажарилиш натижалари бўйича 2-ўринни эгаллаган. Инсон манфаатини таъминлашга йўналтирилган бундай муҳим чора-тадбирлар самарасида мамлакатимизда туберкулёз касалликларини даволаш бўйича юқори натижалар қайд этилмоқда. Хусусан, даволаш самарадорлиги бугун 91,2 фоизга етказилди. Ушбу кўрсаткич 85 фоиз эканини инобатга олсак, натижа кўлами янада яхшироқ англашилади.

Матбуот сессияси

ТИББИЁТ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

2021 йилнинг 24 март кuni Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро пресс-клуб ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигида Бутунжаҳон сил касаллиги кунига бағишланган “Тиббиёт соҳасида халқаро ҳамкорлик” мавзусида Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессия бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Улугбек Собиров АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси ўринбосари Алан Мельтцер, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Наргиза Парпиева, ЮСАИДнинг Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожлантириш бўйича катта мутахассиси/соғлиқни сақлаш гуруҳи раҳбари Анна Мельтцер ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур сессияни Халқаро пресс-клубнинг раиси Шерзод Қудратхўжаев кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида олиб борилаётган фаолиятларга эътибор қаратиб, тизимнинг ҳар бир йўналишида самарали ишлар йўлга қўйилганлиги, шунингдек, тиб-

биётимиз ютуқлари тўғрисида тўхтади. Сессия кун тартибидан келиб чиқиб, Ўзбекистон тиббиёти янада юксалиб бораётганлигини ва унинг баробарида халқаро ҳамкорлик ишлари самарали кечаётганлигини таъкидлаб ўтди. Шерзод Қудратхўжаев ушбу тадбир 24 март Бутунжаҳон силга қарши кураш кунига бағишланганлигини, бу хасталик биргина мамлакатимиз, балки бошқа давлатларда ҳам ижтимоий касаллик ҳисоблансада унинг давоси борлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Улугбек Собиров мамлакатимизда инсон саломатлигига жиддий таъсир этаётган, мазкур долзарб тиббий ижтимоий муаммага қарши курашиш соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланганлигини таъкидлади. Шунингдек, бу-

гунги кунда юртимизда туберкулёзга қарши курашиш ишларини ташкил этишда тиббий профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари тўғри йўлга қўйилганлигига урғу қаратди. Фтизиатрия

муассасаларида туберкулёзга қарши дори воситаларига чидамли турларини ташхислашни мукаммаллаштириш мақсадида 50 дан ортиқ ўта замонавий генно-молекуляр диагностика аппаратлари ўрнатилганлигини ва бу борадаги ишлар самарали кечаётганлигини ҳам айтиб ўтди.

“АҚШ ҳукумат силга қарши курашда Ўзбекистон ҳукумати билан доимий ҳамкорлик қилиб келиб, бу каби кўп йиллик шерикликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида биз сил касаллиги таъсирини юмшатишга ва ўзбекистонлик ошларнинг фаровонлигини оширишга ўз ҳиссамизни қўйишига муваффақ бўлмоқдамиз”, – деб таъкидлади Халқаро пресс-клубнинг жонли эфирда иштирок этган АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси миссияси бошлигининг ўринбосари Алан Мельтцер. “Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ёрдамида сил касаллигини албатта енгамиз”.

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг директори Наргиза Парпиева қуйидаги фикрларини билдириб ўтди:

– Илгарилари туберкулёзни аниқлашга 3-4 ойлар вақт талаб этилар эди. Тиббиётга диагностика ва даволашнинг янги усуллари кириб келиши натижасида бугунги кунда касалликка генно-молекуляр усулда бор йўғи 70 дақиқа ичида аниқ ташхис қўйилмоқда. Илғор операция усуллари жорий этилиши, самарали дори-дармонлар қўлланилиши натижасида беморларнинг касалликдан соғайиш муддати 2 йилдан 9 ойга қисқарди. Айни пайтда олимларимиз туберкулёзга чалинган беморларнинг даволаниш курсини яна 6 ойга қисқартириш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Яна бир эътирофга арзигулик ютуғимиз ЖССТнинг маълумотида кўра, туберкулёзга қарши олиб борилган тадбирларнинг натижалари бўйича **Ўзбекистон фтизиатрия хизматининг Европа ҳудудидаги 53 мамлакат орасида кучли учталиқда ўрин олди**. Шу ўринда ҳамкорлик доирасидаги лойиҳаларимиз ҳам ўз самарасини бериб келяпти, – дейди профессор Наргиза Парпиева.

Эътирофлиси шундаки, тўғридан-тўғри эфирга узатилган ушбу сессияда иштирокчилар шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси туберкулёз касаллиги ва унинг олдини олиш бўйича замонавий ёндошувлар ҳамда ҳамкорлик борасида ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлдилар.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи Хусниддин АТО.

Карантин чоралари

ЎЗБЕКИСТОН ҚАТЪИЙ КАРАНТИНГА ҚАЙТАДИМИ?

Мамлакатимиз аҳли сўнги ҳафтани хавотирда ўтказгани рост. Худди ўтган йилгидек 15 мартда коронавирус балоси яна бош кўтаргани кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Қатъий карантин қайта йўлга қўйилиши эҳтимоли қай даражада? Агар карантин қайтарилса, олдинги усуллар қўлланиладими? Шу ва бошқа қатор саволларга жавоб олиш учун Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари ўринбосари Нурмат Отабеков билан суҳбат қилдик.

– Бугун кўпчиликни қийнаётган савол – қатъий карантинга қайтиладими? Агар қайтилса, ундаги чоралар ўтган йилдагидек бўладими?

– Бугун карантин қоидаларини ўтган йилгидек қатъий ва кескин даражада қайта тиклашга бирор асос йўқ. Сабаби, касалланиш кўрсаткичлари сўнги 3 ой ичида паст даражаларда бўлиб келди, ҳозир бирмунча юқори бўлса ҳам, бу карантин чекловларини кучайтиришга асос бўладиган даражада эмас. Негаки касалланиш Тошкент ҳудудида кўпроқ қайд этиляпти. Бу ҳудудда ҳам болалар улуши ортапти. Ўтган йили коронавирус пандемияси даврида умумий касалланишлар орасида болалар улуши 5-7 фоиз бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 25 фоиздан ортиб кетди. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳрининг айрим туманларидаги мактаблар таълими

онлайн тартибига ўтказилди. Ҳозир таътил давом этаяпти ва уларнинг якунига қадар биз касалликнинг тарқалиш занжирини узишга муваффақ бўлишни режалаштираяпмиз. Мабодо вазият ижобий томонга ўзгармаса, таътилар муддатини узайтириш масаласини ўйлаб кўрамиз. Бир нарсага аниқлик киритиб олишимиз керак – карантин ҳали бекор қилингани йўқ, энг муҳим ва бирламчи химоя усуллари ҳамон амалда. Шунчаки биз ўзимизни жуда бўш қўйиб юбордик, коронавирус ҳамон ёнимизда эканлигини унутдик, ўзимизни гўё касалликдан қутилгандек тута бошладик. Бу эса натижасини бермай қолмади – касалликка чалиниш ҳоллари кўпая бошлади. Шу пайтда махсус комиссия қарорига биноан эпидемик вазият мураккаблаша бошлаган Тошкент шаҳрида карантин чоралари яна бир бор эслатиб қўйилди. Бу эслатмаларни ўтган йилгидек қатъий карантинга қайтиш деб баҳолаш ноўрин. Энди ўтган йил билан бошқа жиҳатларни солиштирадиган бўлсак, 2020 йилда коронавирус нафақат бизга, балки бутун инсониятга номаълум касаллик эди, уни самарали даволаш, чеклаш ва химояланиш усуллари тўла ўрганилмаган эди. Бу йилга келиб ҳам тиббиёт тизими, ҳам аҳоли коронавирус хавфини яхши тушуниб олди ва ундан химояланиш чораларини ҳам яхши билади. Агар бу йил ҳам карантин жорий қилинадиган бўлса, ўтган йилгидан фарқ қилади. Ўтган йили карантинда татбиқ этилган чеклов тадбирлари номаълум касалликка қарши курашиш учун бўлган бўлса, энди у ҳақида тўлиқ тасаввурга эгамиз. Нафақат Covid-19'нинг ўзи, балки унинг мутацияга учраган штаммлари ҳақида ҳам биламиз. Шу боис бизда ўзига хос оғоҳлик, ҳушёрлик иммунитет шаклланди. Қолаверса, аҳолининг маълум бир қатлами ушбу вирусга чалиниши оқибатида иммунитет ҳосил қилди. Демак кўриладиган чоралар ҳам ўтган йилгидан фарқ қилади, қатъий карантин ҳолатига қайтилади, деб ўйламайман.

– Британча штамминг кириб келиши ҳам кўпчи-

ликни саросимага солди. Айни пайтда коронавируснинг бу штамми алоҳида ўрганиляптими?



– Бугунга қадар коронавируснинг 5 мингдан ортиқ штаммлари, мутацион вариантлари аниқланган. Ҳозирги кунда инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан секвинирлаш йўли билан британча ёки бошқа штамм эканлигини аниқлаш мумкин. Ҳозирда ҳам ҳар бир ҳолатда илғор технологиялар марказида таҳлил қилинапти.

– Бугунга қадар коронавируснинг 5 мингдан ортиқ штаммлари, мутацион вариантлари аниқланган. Ҳозирги кунда инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан секвинирлаш йўли билан британча ёки бошқа штамм эканлигини аниқлаш мумкин. Ҳозирда ҳам ҳар бир ҳолатда илғор технологиялар марказида таҳлил қилинапти.

Касалликнинг болаларда учраётгани ва тез тарқалаётгани британча штамм тарқалаётганининг яққол омилдир. Бунинг ўрнига умумэтироф этилган профилактика чора тадбирларга кенгрок эътибор бериш керак.

Лекин британча, африкача ёки бразилча штамм бўлишидан қатъи назар ундан химояланиш, профилактика чора-тадбирлари ва даволаш усуллари ўзгармайди. Халқимизда бир нақл бор – “Ёкиб юбориладиган кўрпани тозалаб ўтириш шарт эмас”, дейилади. Демак қарши курашдаги усулларимиз ўзгармас экан, унинг қандай штамм эканлигига урғу бериб, ортиқча вақт ва ресурс сарфлашнинг ҳожати йўқ.

Аброр ЗОҲИДОВ.

Бефарқ бўлманг!

ТИББИЙ НИҚОБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
БЎЙИЧА НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Мамлакатимиз ҳудудида коронавируснинг кенг тарқалиши ва кескин эпидемиологик ҳолат юзага келишини олдини олиш мақсадида қуйидагилар белгиланди:

Жорий йил 24 мартдан бошлаб:

●жамоат жойларида, шу жумладан, йирик деҳқон бозорлари ва савдо мажмуаларида (супермаркет, гипермаркет ва бошқаларда) тиббий ниқобдан ва антисептик воситалардан фойдаланган ҳолда ҳаракатланиш бўйича санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши бўйича назорат кучайтирилди.

Жорий йил 25 мартдан бошлаб:

●касаллик клиник белгиларсиз ёки енгил шаклда кечаётганлиги сабаб уй шароитида даволанаётган беморлар саломатлиги назорати ва даволанишини



ташқил этиш мақсадида зарурат бўлган ҳудудлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида мобил бригадалар фаолиятини қайта йўлга қўйилади.

●Карантин чекловларини ва санитария-эпидемиологик талабларни бузаётган фуқаролар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши, шу жумладан, ушбу ҳолатларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган қатъий чоралар қўрилиши белгиланди.

Хурматли юртдошлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги сизлардан коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида шахсий масъулиятни оширишингизни, тиббий ниқобларни тез-тез алмаштириб туришингизни сўраб қолади. Санитария-эпидемиологик қоидаларга риоя қилмаслик салбий оқибатларга олиб келишини унутманг, ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигига бефарқ бўлманг!

ASTRAZENECA ВАКЦИНАСИ
ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ВЕБИНАР

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мажлислар залида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси масъул мутахассислари иштирокида AstraZeneca вакцинасини хавфсизлиги ва самарадорлиги тўғрисида вебинар бўлиб ўтди. Zoom платформаси орқали ўтказилган онлайн мулоқотда Европа минтақасидан шунингдек, ЖССТ мутахассисларининг чиқишлари бўлиб ўтди ва улар ўз маърузаларида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар беришди.

Маълумки сўнги кунларда бутун дунёда AstraZeneca вакцинаси билан боғлиқ вазиятлар, у билан боғлиқ турли миш-мишлар муҳокама қилинмоқда. Тадбирда мутахассислар томонидан бундай миш-мишлар амалиётда вакцина билан боғлиқ эмаслиги айтиб ўтилди. Бир қатор давлатларда аҳолини AstraZeneca вакцинаси билан эмлаш ишлари тикланган. Жумладан республикамизга ҳам олиб келинган мазкур вакцина билан соғлом аҳолини эмлаш режалаштирилмоқда. Вебинарда Дания, Англияда ҳам коронавирус инфекциясига қарши вакцина жумладан, AstraZeneca вакцинасини хавфсизлиги борасида аҳоли орасида ва ижтимоий тармоқлар – фейсбук, телеграмм орқали олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу билан бирга Молдова давлатида AstraZeneca вакцинасини ишлатилиши, самарадорлиги ҳамда унинг хавфсизлиги борасида маълумотлар берилди. Барча Европа давлатлари ва бутун дунёда қилинаётган чора-тадбирлар юртимизда ҳам амалга оширилади. Бизнинг республикамизда ҳам биринчи навбатда хавф ости гуруҳига мансуб бўлган 65 ёшдан юқори бўлган кишилар, сурункали касалликлари бўлган аҳоли қатлами ҳамда тиббиёт ходимлари эмланиши режалаштирилган. Чунки пандемия айниқса аҳолининг ушбу қатлами саломатлигига салбий таъсир қилди, уларда касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари юқори бўлди.

Вебинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Мутахассис маслаҳати

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ВАҚТИДА ДАВОЛАМАСЛИК ОҒИР ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Кўз инсон учун энг бебаҳо неъмат, энг муҳим тана аъзоси ҳисобланади. Ахборотнинг тўқсон фоизи кўз орқали қабул қилинади. Кўз касалликларини даволашда ушбу касалликларни барвақт аниқлаш ва касалликнинг олдиди олиш жуда муҳимдир.



— Кўз касалликлари келиб чиқиши наслий бўлиши ҳам мумкин. Наслга, ёшга, жинсга боғлиқ бўлмаганлари ҳам мавжуд. Жаҳон тиббиётида рефракция аномалиялари, (узок ёки яқинни яхши кўрмаслик — миопия, гиперметропия, астигматизм), турли кўз жароҳатлари, катаракта, глаукома, пресбиопия (кексайган сари кўришнинг пасайиб бориши) каби касалликлар кўп учрамоқда. Қолаверса, экологик мувозанатнинг бузилиши, озик-овқат маҳсулотлари таркибиди турли кимёвий қўшимчаларнинг улуши тобора ортиб бориши, носоглом турмуш

тарзи кўз касалликлари кўпайишига сабаб бўлади. Компьютер қаршида узок муддат ўтириш, болаликдан гаджетларга меҳр кўйиш, телевизорни яқиндан томоша қилиш каби одатлар кўз касалликларининг ёшариб боришига хизмат қилади. Айниқса, глаукома ногиронликка олиб келувчи оғир, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўз касаллиги ҳисобланади.

Фақат ўз вақтида аниқлаб, тўғри даволанган ҳолда кўзи ожизликнинг олдиди олиш мумкин. Аллергик ва вирусли конъюнктивит, компьютер синдроми каби касалликларнинг келиб чиқишига гигиена қоидаларига

риоя қилмаслик, дори воситаларини шифокор маслаҳатисиз ўй шароитида қабул қилиш ҳамда ўз вақтида шифокорга мурожаат этмаслик сабаб бўлмоқда. Масофавий иш кўпайиши натижасида компьютерда узок вақт ишлаш ҳам кўриш қобилиятига зарар етказди. Кўриш ўткирлиги анча пасайганда мурожаат этилганда кўриш нерви қайтариб бўлмас ўзгаришларга учраши эҳтимоли юқори бўлади. Бу касалликларнинг олдиди олиш мумкинми? Бундай касалликларнинг олдиди олиш учун рационал овқатланиш, жисмоний фаоллик, тозалик, экологик муҳит мусоффолиги, кун тартибини тўғри ташкил этиш, ўз вақтида хордик чиқариш жуда муҳим. Наслида кўз касалликлари мавжуд бўлган инсонлар 35-40 ёшдан сўнг йилига 2 мартаба кўзларини текширтириб туриши керак. Шундагина касалликлар эрта аниқланади ва уларни самарали даволаш мумкин бўлади. Худудларда бу йўналишда ташхис ва даво чораларини олиб бориш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Дунё тиббиёти офтальмология ва кўз микрохирургияси йўналишида ҳам улкан ютуқларга эришди. Пойтахтимизда, вилоятлар марказлари ва туманларда фаолият юритаётган олтмишга яқин тиббиёт муассасалари ҳамда беш юз эликдан кўпроқ тиббиёт хоналарида бу йўналишда аҳолига юксак технологиялар воситасида тиббий ёрдам кўрсатилади.



Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказининг маслаҳат-ташхис поликлиникасида кунига бир юз эликка яқин катнов қайд этилади. Энг илғор диагностика ва даволаш воситалари билан жиҳозланган клиникада йилига олти минг нафардан кўпроқ беморда ноёб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади.

Изланишлар натижасида катарактани даволашнинг олтин стандарти деб ном олган замонавий усуллари, шоҳ пардани кўчириб ўтказиш амалиёти, глаукома, миопия касалликла-

ри, қандли диабетнинг оғир асорати — диабетик ретинопатия каби хасталикларда лазер технологиялари воситасида тигсиз жарроҳлик амалиётлари жорий этилгани беморларга ёруғ дунёни қайта кўриш имкониятини яратмоқда. Тиббиёт илмининг бундай янгиликларини ҳудудий тиббиёт муассасаларида ҳам татбиқ этиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида офтальмологларнинг малакасини ошириш учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган.

Бундан ташқари, олимларимиз ва шифокорлар режа асосида чекка худудларга бориб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди, жойларда жарроҳлик амалиётлари олиб борилади, маҳорат дарслари уюштирилади.

Дилшод АБДИНАЗАРОВ,

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази бўлими мудир, олий тоифали шифокор.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА “АССАЛОМ ТОНГ” СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6099-сонли Фармони изжросини таъминлаш мақсадида тиббиёт ходимлари ўртасида “Ассалом тонг” соғломлаштириш машқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири кубогининг вилоят босқичи ўтказилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон “Ўзбек жанг санъати” Федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақанинг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Хусан Мамажонов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Аҳоли соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази раҳбари Барно Одилова ва бошқа нуфузли меҳмонлар қатнашиб,

спортчиларга омадлар тилашди. Мусобақада Фарғона ва Қўқон шаҳарлари, Ёзёвон, Олтиариқ, Бувайда ҳамда Фарғона тумани тиббиёт бирлашмалари жамоалари иштирок этдилар. Ҳар бир жамоа тажрибали ҳакамлар олдида тонги машқларни бажариб, ўз маҳорат ва эпчилликларини амалда намоён этдилар. Бу каби спорт мусобақаларининг ўтказилиши қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини чин дилдан ҳис этган тиббиёт ходимларининг фаоллиги эътибордан четда қолмади. Албатта, инсон саломатлиги учун бебаҳо бўлган жисмоний ҳаракат ва чиникишлар ҳар бир фуқаро



олдидаги масъулиятдир.

Шундай экан, бундай спорт турлар мамалакатимиз бўйлаб давом этаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Мусобақа якунида ғолиб жамоа ва спортчилар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.

24 март - "Бутунжаҳон силга қарши кураш куни"

ТУБЕРКУЛЁЗ — ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

24 март - "Бутунжаҳон силга қарши кураш куни" муносабати билан Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мажлислар залида Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палата вилоят ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази ҳамкорлигида кўргазмали ўқув семинари бўлиб ўтди.



Сил юқумли касаллик, уни сил бактериялари юзага келтиради. У инсон танасининг барча аъзоларини, кўпроқ ўпкани зарарлайди. У касалланган одамдан ҳаво - томчи йўллари орқали гаплашганда, йўталганда аксирганда юқади. Сил бактериялари ҳавода

узок вақт сақланиши мумкин.

Касаллик асосан иммунитети паст инсонларда кузатилади. У наслдан наслга ўтмайди. 2 ҳафтадан ортиқ давом этган йўтал, балғам ажратиш, бироз иситма кўтарилиши, тунги терлаш, ҳолсизланиш, иштаҳа сусайиши, вазн йўқотиш, кўкрак

қафасда оғрик, қон туфлаш каби белгилар кузатилганда яшаш ёки ўқиш ва иш жойидаги тиббиёт муассасасига учраш зарур. Касаллик бедаво эмас, ўз вақтида шифокорга қилинган мурожаат, тўлиқ даволаниш курси ва

оилавий поликлиникаларининг фтизиатр ва оила шифокорлари, врач-рентгенолог ва лаборантлари иштирок этди. Ўқув - семинарни миллий палата вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Ирода Мусаева кириш сўзи би-

роят муҳим аҳамияти ҳақида гапирар экан, вилоятимизда касалликка қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишларда соҳа ходимларининг фидойиликларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг, марказ бўлим мудири Ривожиддин Мингбоев "Сил касаллиги ва унинг турлари, силга чалинган беморларда Covid-19 инфекциясининг кечиши ва асоратлари", фтиза-пульмонолог Усубжон Каримов "Сил ва Covid инфекцияси диагностикаси ва даволашнинг замонавий принциплари", миллий палата вилоят ҳудудий бўлинмаси бўлим мудири Муҳаббат Дадабоева "Касалликнинг олдини олишда фтизиатр ва оила шифокорларининг вазифалари" ҳақида маъруза қилдилар. Семинар баҳс ва мунозараларга бой кечди. Қатнашувчилар ўзларини кизиқтирган саволларга керакли жавоблар олишди.

бошқалар ҳасталикнинг тезроқ чекинишига муҳим омил бўлади. "Силга чалинган беморларда Covid-19 нинг кечиши, диагностикаси, даволашнинг замонавий принциплари ва касалликнинг олдини олиш" мавзусидаги тадбирда марказ фтизиатрлари, шаҳар ва туманлар

лан очди ва мавзу доирасида ўз фикрларини билдирди. Марказ директори Иқболжон Воситов сўзга чиқиб, бугунги сананинг

Бошқарма фаесида марказ ходимлари томонидан ташкилланган кўргазма эса семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Манзура ЭРГАШЕВА.

Тарихга бир назар

“ОҚ МОЙЧЕЧАК” — СИЛГА ҚАРШИ КУРАШИШ РАМЗИ

Сил касаллиги бутун дунёда ечимини кутаётган муаммолар сирасига қиради. Касаллик аниқланганидан шу кунгача силга қарши курашнинг турли усуллари ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Сил таёқчаси аниқланган кун — 24 март Бутунжаҳон силга қарши кураш куни этиб белгиланган. Бу кунда ҳар бир мамлакатда турли тадбирлар ўтказилади. Тадбирга таклифнома сифатида мойчечак гули тақдим этилади. Бутунжаҳон силга қарши кураш кунининг рамзи ҳам мойчечак гулидир.

Тарихга назар

Мойчечак гулининг рамзий маъноси тарихга бориб тақалади. 1882 йилда сил касаллигини қўзғатувчи бактерия аниқлангач, ундан юз йил ўтиб, сил касаллиги эпидемия даражасига етади. Европа давлатлари ва Россия аҳолиси сил касаллиги билан ёппасига оғрий бошладилар.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб бутун дунёда силга қарши чора-тадбирлар кенг қўламда амалга оширила бошланди. Европа ҳукумати силга қарши курашнинг энг самарали усули сифатида хайрия фонди ташкил этишни таклиф қилишди. Хайрия фондига Европанинг энг нуфузли ташкилотлари жалб қилинди. Лекин сил эпидемияси шу қадар кучайиб бораётган эдики, хайрия фондларида йиғилган маблағ харажатларни қопламай қўйди.

Ниҳоят 1900 йилда Швеца-

рияда "Оқ мойчечак" лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1901 йил 1 майда Женева кўчаларида биринчи марта оқ мойчечак тутган қизлар кўчалар бўйлаб намоён ташкил этишди. Мойчечакларни эркин нафас рамзи сифатида аҳолига сотишди. Мойчечак гулини сотиш жараёнида "оилангизга соғлиқ тилаймиз", "яқинларингизни силдан эҳтиёт қилинг", "мойчечак — эркин нафас гарови" сингари сўзлар ҳам айтилган.

Улкан даромад манбаи

Оқ мойчечакнинг силга қарши кураш рамзи сифатида сотилиши аҳоли эътиборини тортади ва силга қарши кураш ташкилотларига мисли кўрилмаган даромад келтиради.

Бу одат Швециядан Норвегия, Исландия, Дания, Германия ва бошқа Европа мамлакатларига ҳам кўчади. Ҳатто Дания ва Норвегияда оқ мойчечак сотиш ҳуқуқи силга қарши

жамиятларнинг монополиясига ҳам айланган.

1909 йилда Россиянинг Москва шаҳрида сил касалликларига қарши кураш бўйича биричи бепул поликлиника очилган. Поликлиникада шифокорлар бепул ишлашгани тарихдан маълум. "Оқ мойчечак" намоён Россияда бутун мамлакат бўйлаб 1911 йилнинг 20 апрелида ўтказилади. Москвада минглаб плакатлар ва брошюралар аҳолига тарқатилади. Оқ мойчечак сотиш, у бўлмаганда қоғоздан ясалган мойчечак сотиш ҳам оммалашиб кетади. Бундай гуллар учун тўлов кун сайин ортиб боради.

Ташкил этилган тадбирларда иштирок этган қизларнинг бош кийимлари, сочларига оқ мойчечак тақилган, кўйлаклари эса мойчечак билан безатилган эди.

Нега айнан мойчечак?

Хўш, нега айнан мойчечак гули деб ўйлаётгандирсиз? Сил касаллигини даволашда асосан бактерияларни ўлдириш хусусиятига эга бўлган антибиотиклардан фойдаланилади. Мойчечакнинг фойдали хусусиятлари кўплиги учун халқ табобатида «табиий антибиотик» деб ҳам аталади. Шу билан



бирга, мойчечак гули Европада меҳр-муҳаббат ва хайр-саховат рамзи ҳамдир. Шунинг учун ҳам минглаб одамларга ёрдам сифатида ташкил этилган тадбирларнинг энг муносиб рамзи мойчечак гули деб топилган.

Ўзбекистонда силга қарши курашиш

Ўзбекистонда силга қарши курашувчи биринчи диспансер 1935 йилда Қашқадарё вилоятида ташкил этилган. Бугунги

Сиз ҳам сил касаллигига қарши курашда ўз ҳиссангизни қўшмоқчи бўлсангиз, тадбирларда оқ мойчечак харид қилишни унутманг!

Наргиза УТЕПОВА тайёрлади.



НОЁБ ТЕЛЕМЕДИЦИНА РОБОТИ ТОПШИРИЛДИ

Шарите университет клиникаси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига ноёб телемедицина ускунасини топширди.



— Уни яратилиш бўйича ишлар Шарите клиникаси мутахассислари томонидан 2017 йилдан бери амалга оширилмоқда, — дея гапириб берди ушбу муассаса директори ўринбосари Йохим Зайболд. — Пандемия шароитида, инсон омилсиз, беморларни масофадан туриб таъхислаш имконини берувчи ушбу роботларни яратилиш долзарблиши ва бу жараёни тезлаштириб юборди. Натижада, ноёб телемедицина роботлари орқали Германиянинг турли ҳудудларидаги 34 та тиббиёт муассасасини бирлаштира олдик, яъни мутахассислар онлайн тарзда тажриба алмашиш имконига эга бўлишди.

Ҳозир Германияда ушбу технология ёрдамида транспортровка қилиб бўлмайдиган оғир беморларнинг 90 фоизининг ҳолати жойида тахлил қилиниб, мутахассислар томонидан тўғри даво чоралари кўрилишига эришилди. Германияда бу лойиҳа ўзини тўлиқ оқлагач, уни халқаро даражага олиб чиқишга қарор қилинди ва биринчи мамлакат сифатида Ўзбекистон танлаб олинди. Кутилаётган натижа — турли

мамлакат тиббиёт ходимлари орасидаги худудий чегарани йўқ қилиш орқали улар ўртасида мустақкам ҳамкорлик ўрнатиш ва ягона мақсад — бемор ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолишга эришишдир.

— Бундан аввал чет эл мутахассислари билан видеоконференцалоқа орқали боғланиб, беморнинг тахлил натижаларини тақдим этардик ва бизнинг сўзларимиздан уларда бемор тўғрисида тасаввур пайдо бўларди, — деди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори Дониёр Алимов. — Энди эса бу робот орқали чет эллик ҳамкасбларимиз ўзлари беморни кўздан кечириб, унинг ташқи кўриниши: кўз қорачиғи ҳолати, қон босими, пульси, териси ва тилининг рангидан тортиб, барча мураккаб кўрсаткичларни масофадан туриб тўғри баҳолаб, даволаш учун ўз маслаҳатларини беради. Бу эса аҳволи ўта оғир, реанимацион, кўчириб ўтказиш хавфли бўлган беморлар учун қимматли бўлган вақтни тежаш имконини ҳам беради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Шарите университет клиникаси ўртасида телемедицина соҳасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

— Ўзбекистонга таъриф буюриш имконияти туғилганидан хурсандмиз, — деди Шарите университет клиникаси директори ўринбосари Йохим Зайболд. — Клиникамиз раҳбарияти мамлакатингиз билан ҳамкорлик ўрнатилишига катта эътибор қаратади.

Даставвал телемедицина соҳасида ҳамкорлик ўрнатишни режалаштирганмиз. Яъни Германиянинг 34 та тиббиёт муассасасини бирлаштирган телемедицина марказимиз энди халқаро даражага чиқади, бунда Ўзбекистон биринчи мамлакат сифатида танлаб олинди. Яъни давлатингиз биз технологияларимизни киритаётган биринчи мамлакат эканини ҳисобга олсак, бу ҳамкорлик ўзига хос тарихий аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш жоизки, Шарите университети клиникаси Германиянинг энг яхши тиббиёт муассасалари рейтингидан 1-ўринда туради, шунингдек, у Европадаги энг йирик ва етакчи тиббиёт мажмуаларидан бири ҳисобланади. У замонавий диагностика ва даволашни, амалиётчи шифокорлар ва илмий ходимларни ўқитишни амалга оширади. Ушбу тиббиёт муассасаси ўта мураккаб клиник ҳолатларни даволашда ажойиб тажрибага эга.

Германиядаги тиббиёт ва физиология бўйича Нобел мукофоти лауреатларининг ярмидан кўпи айнан шу клиникада тахсил олган ва ишлаган, масалан, Эмил фон Беринг, Роберт Кох ва Паул Эрлих. Реаниматолог, инфекционист, ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларидан иборат клиника вакиллари юртимизнинг бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам бўлиб, яратилган шароитлар билан танишмоқда ва шифокорларимиз билан тажриба алмашмоқда.

Меморандум имзолаш маросимида германиялик мутахассислар кўп йиллик ҳамкорлик учун асос солганини айтиб, келгусида бошқа йўналишларда ҳам мамлакатимиз тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

Минг дардга даво

В ГУРУҲИ ВИТАМИНЛАРИ: АСАБНИ АСРАЙДИ, ЮЗНИ ТИНИҚЛАШТИРАДИ

Моддалар алмашинуви жараёнида фаол қатнашувчи, ўзида калория сақлайдиган турли озуқа моддаларидан энергиянинг ажралиб чиқиши, тўқималарнинг нафас олиши, ичаклар фаолиятини яхшилаш ва асаб тизими хасталиқларига қарши курашишда муҳим ўрин тутадиган В гуруҳи витаминларига бўлган эҳтиёжни қандай қондириш мумкин деган савол туғилиши мумкин?

Витаминлар инсоннинг жисмоний ва ақлий иш қобилиятини оширади, организмнинг турли касалликларга чидамлилигини кучайтиради. Витаминларни асосан ташқи омиллардан — озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда махсус дори воситалари орқали оламиз.

Витамин В1 (тиамин) — оксил ва углевод алмашинувини мувозанатга келтиради. Унинг етишмовчилиги, энг аввало, асаб тизими фаолиятининг ўзгаришига, хотира пасайиши, юрак-қон томир, ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилишига сабаб бўлади. Витамин В1 йирингли инфекцияларга қарши иммунитетни ҳосил қилади. Айниқса, хуснбузарлар, тери кичишиши, эшакеми касалликларини даволашда зарурдир.

Витамин В2 (рибофлавин) — хужайралар алмашинуви

ва терининг юза қатламидаги жараёнларни яхшилаш, шунингдек, нормал нафас олишга хизмат қилади. Ушбу витаминнинг танқислиги лаб четларидаги оғриқли ёриқлар, шиллик қатламларнинг яллиғланиши, сочларнинг тўқилиши, бош айланишига олиб келиши мумкин. Мазкур витаминнинг узок вақт давомида етишмовчилигида тери шилликликни йўқотиб, қари тери кўринишига кела бошлайди.

Витамин В3 (никотин кислотаси-РР) — теридаги сув алмашинуви, пигментация жараёнининг меъёрда кечиши унга боғлиқ. Витамин В3 қон томирларини кенгайтиради. Ушбу витамин етишмовчилиги тери, ошқозон-ичак ва асаб тизими касалликларига олиб келади. Шунингдек, никотин кислотаси қон таркибидаги қизил қон таничалари (эритроцитлар) ҳосил бўлишида ҳам алоҳида ўрин тутайди.

Витамин В5 (пантотен кислотаси) — тери яллиғланишининг олдини олади, соч тўқилишидан ҳимоя қилади, тўқималарга ижобий таъсир ўтказиши, қариш жараёнини секинлаштиради, ичакларда овқатнинг сўрилишини яхшилайд.

Витамин В6 (пиридоксин) — асаб тизими ва оксиллар алмашинуви учун зарур витамин. Соч тўқилганда, юқори кўзгалувчанликда, терининг яллиғланишида қабул қилинади. Озиқ-овқат маҳсулотларида пиридоксин миқдори унча кўп эмас, бироқ овқатланиш рационини тўғри мувозанатлаштирилса, у етарли миқдорда бўлиши мумкин.

Витамин В9 (фолий кислотаси) — ҳомилдорлик даврида, эмбрионнинг асаб хужайлари шаклланишида асосий вазифани бажаради. Бундан ташқари, фолий кислотаси муддатидан илгари туғиш, чала туғилиш каби ҳолатларнинг олдини олади ҳамда туғуруқдан кейинги депрессив ҳолатларни камайтиради.

Витамин В9 етишмовчилигида тез чарчаш, бош оғриғи, ҳолсизлик, жиззакилик, уйқусизлик, хотиранинг пасайиши кузатилади.

Витамин В12 (цианокоба-



ламин) — ақлий ва руҳий ривожланиш, асаб тизими ва қон ҳосил бўлишида жуда керакли. Мушакларнинг меъёрда ривожланишида ҳам ушбу витаминнинг ўрни катта. Унинг етишмовчилиги оғир камқонликка сабаб бўлиши мумкин.

Витамин В15 (пангамат

кислотаси) — жигар учун зарур бўлган витаминлардан биридир. У тўқималарнинг кислород билан озиқланиш жараёнини енгилаштиради. Нейтраллаштириш тарзида таъсир этиб, қариш жараёнини секинлаштиради, организмда холестерин миқдорини камайтиради.

В гуруҳи витаминлари сутли маҳсулотлар, сули, янги ва қуритилган нўхат, картошка, помидор, гўшт, буйрак, юрак, жигар, балиқ, тухум, товуқ гўшти, ёрмалар, нон, ёнғоқ, творог, пишлоқ, сабзи, қарам, ловия, ковоқ, гулқарам, лавлаги, бодринг, апелсин, ўрик, кўзкорин, қовун, қунгабоқар уруғлари, ковоқ каби маҳсулотлар таркибида кўп учрайди.

Барно АБДУСАМАТОВА,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Навруз -в Содружестве

В НАВРУЗ – К ВРАЧАМ С УГОЩЕНИЯМИ

Необычную акцию приурочили к Наврузу национальные общественные организации Омской области – они передали более 400 порций горячего питания врачам ковидных стационаров.

Навруз – праздник весеннего равноденствия, символизирующий новый год по астрономическому солнечному календарю. Этот праздник весны и обновления природы отмечают 21 марта Дагестане, Татарстане, Башкирии, а также диаспоры из среднеазиатских республик в России. В Прииртышье, сообщили в пресс-службе областного правительства, региональная казахская национально-культурная автономия,

общественные организации «Казахи Омска», татарский национально-культурный центр «Иртыш», «Содружество узбекистанцев», «Содружество кыргызстанцев», «Содружество таджикстанцев» и курдская национально-культурная автономия решили доставить в праздничный день медикам, работающим в «красной зоне», горячее питание в ланчбоксах. Врачей угощали ароматным и сытным пловом. Так национально-культурные объедине-

ния поддержали медработников, которые находятся на передовой борьбы с новой коронавирусной инфекцией.

– В этом году в связи с пандемией мы решили уделить внимание нашим врачам, медсестрам и угостить их в Навруз пловом. Им большое спасибо! В такой трудный момент мы все, вне зависимости от национальности, обращаемся к ним за помощью, – рассказал президент региональной казахской национально-культурной автономии Омской области Бота Бакулин. Организаторы акции передали более 400 порций горячего питания медработникам Клинического медико-хирургического цен-

тра и медсанчасти №4. Кроме того, для врачей МСЧ-4, где на лечении от COVID-19 находится более 200 человек, устроили под окнами медучреждения праздничный концерт с участием руководителя народной студии «Аманат», виртуоза игры на казахской домбре Асылбека Айтимова, а также народного татаро-башкирского фольклорного ансамбля «Умырзая»

(«Подснежник»).

– Это большая поддержка для всего нашего коллектива: нам привезли обеды и устроили целый праздник. Это, конечно, помогает в нашем нелёгком труде, придаёт нам сил, – отметила заместитель главного врача по поликлиническому разделу работы МСЧ-4 Татьяна Калущина.

Также национальные общественные объединения планируют поддержать работников Городской клинической больницы №11, областной клинической больницы и других медучреждений, врачи которых трудятся в «красной зоне». Акция будет проходить в течение всей недели.

Татьяна БЕРЕЗОВСКАЯ,
Медицинская газета, №11, 2021г.

Симпозиум

COVID-19 И АНТИКОАГУЛЯНТНАЯ ТЕРАПИЯ. ТОЧКА ЗРЕНИЯ

Тромбоз – чрезвычайно опасное состояние, которое является причиной многих заболеваний, приводящих к инвалидности и даже гибели человека. Современная медицина имеет возможности эффективно воздействовать на это состояние с помощью антитромботических лекарств.

Лекарства, замедляющие свертываемость крови, уже не одно десятилетие используются врачами различных специальностей, позволяющие существенно снизить заболеваемость и смертность, связанные с тромбозами различной локализации. Пандемия новой коронавирусной инфекции оказалась очередным вызовом для медицины, поскольку повреждение сосудов и чрезмерная свертываемость крови при COVID-19 оказались важнейшими механизмами, участвующими в неблагоприятном течении заболевания, обозначая потенциал для широкого применения антитромботических средств.

Об опыте лечения пациентов с коронавирусной инфекцией, в том числе осложнённой явным тромбозом, а также о нерешённых пока проблемах в этой области, рассказал заместитель главного врача ГКБ № 15 имени О.М. Филатова (г. Москва), доктор медицинских наук Олег Аверков, выступая на симпозиуме «COVID-19

как междисциплинарная проблема» в рамках 47-й сессии ЦНИИ гастроэнтерологии «Гастроэнтерология в меняющейся реальности».

Олег Аверков подчеркнул, что традиционно антикоагулянты имеют два предназначения – лечение уже существующего тромбоза и предотвращение угрозы тромбоза. В каждом из этих случаев врачи руководствуются определёнными схемами назначения лекарственных препаратов и применяют различные дозы. Однако при коронавирусной инфекции, особенно её тяжёлом течении, разграничить профилактическую и лечебную антикоагуляцию на практике крайне сложно. С одной стороны, по данным разных зарубежных исследований, частота венозных тромбозов у больных COVID-19 варьирует от 25 до 69%. Отмечается также повышенная частота артериальных тромбозов. С другой стороны, закупорка тромбами мелких сосудов лёгких, по некоторым данным, имеет место в большинстве

случаев коронавирусной пневмонии и участвует в развитии дыхательной недостаточности и повреждении других органов. Все эти факты и предположения предопределили необходимость широкого применения антикоагулянтов. В то же время врачи столкнулись с проблемой недостаточной эффективности привычных профилактических и лечебных доз нефракционного/низкомолекулярных гепаринов (НФГ/НМГ) для лечения/предотвращения венозных и артериальных тромбозов при средне-тяжёлом и тяжёлом течении заболевания. Потребовалось «на ходу» менять дозировки и искать схемы применения таких препаратов у пациентов с COVID-19.

– Впечатление врачей о недостаточной эффективности антикоагулянтов при COVID-19 нередко ошибочно и связано с неправильным дозированием лечебных доз НМГ, – убеждён О. Аверков. Ещё одной причиной впечатления о «неработающих» у больных с COVID-19 антикоагулянтов, может оказаться использование биоаналогов («джериков») НМГ.

В ГКБ им. О.М. Филатова проходили лечение особые категории больных с COVID-19: нуждающиеся в экстренном оперативном лечении, беремен-

ные, пациенты с мозговыми инсультами и инфарктом миокарда, нередко с полиорганной недостаточностью. Олег Аверков рассказал участникам симпозиума о подходах к использованию разных антикоагулянтов в лечении больных COVID-19 в инфекционном госпитале ГКБ №15. Он обратил внимание коллег на особенности антитромботической терапии при коронавирусной инфекции. В их числе широкое (практически поголовное) использование антикоагулянтов у стационарных больных, потребность в использовании так называемых промежуточных (высоких профилактических) доз НФГ/НМГ, необходимость в контролируемом увеличении лечебных доз НМГ у части больных с венозными тромбозами и ТЭЛА. Обсуждена проблема использования антитромботических средств совместно с лекарствами, взаимодействие с которыми у антикоагулянтов малоизучено (колхицин, ингибиторы интерлейкинов, ингибиторы янус-киназы, гидроксихлорохин).

Все это требует дальнейших исследований и доказательств, прежде всего безопасности антикоагулянтной терапии – подытожил Олег Аверков.

Подготовил Павел АЛЕКСЕЕВ,
Медицинская газета, № 11, 2021 г.



Формально применение антикоагулянтной терапии при COVID-19 уже регламентировано различными методическими и рекомендательными документами. Остаётся ряд вопросов, на которые пока нет внятных ответов. Нет окончательной ясности с дозами парентеральных антикоагулянтов: когда при отсутствии документированного тромбоза оправдано сразу назначить лечебные, профилактические или промежуточные дозы антикоагулянтов? Пока нет оснований для использования новых прямых пероральных антикоагулянтов с профилактической целью. Очень сомнительна целесообразность антикоагуляции при лёгком (без пневмонии) течении новой коронавирусной инфекции.

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ ШИФОКОР ВА ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Фаргона вилояти силга қарши қурашиш диспансерида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда USAID нинг Марказий Осиёда сил касаллигини тугатиш бўйича лойиҳаси ҳамкорлигида шифокорлар ва журналистлар иштирокида конференция ўтказилди.

Тадбирда сил касаллигининг олдини олиш, даволаш бўйича амалиётга тадбиқ этилаётган усуллар ҳақида сўз борди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

– Бундан 10 йил илгари сил касалиги ҳақида сўз кетганида, одамларни ваҳима босарди, – дейди диспансер бош врач

Элёр Алиев. – Бугунги кунга келиб, унга ташхис қўйиш механизми ва даволаш усули ҳам тубдан ўзгарди. Шунинг учун ҳам беморлар сони кўп эмас. Мавжуд беморларда ҳам оғир ҳолатлар кузатилгани йўқ. Шундай бўлсада, биз аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришимиз зарур. Ижтимоий тармоқларда ҳам

тизимли ишлар йўлга қўйилган. Телеграм тармоғида “Саломатлик сабоқлари” номли саҳифа мавжуд бўлиб, унда барча ўзининг қизиқтирган саволларига жавоб олиши мумкин. Сил – бедаво дард эмас. Фақат унга вақтида эътибор берилиб, даволанилса, албатта, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Сил — юкумли касаллик бўлиб, унинг тарқалишига асосий сабаблардан бири бу аҳоли ўртасида тиббий маданиятнинг етарли эмаслиги, соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик ҳисобланади.



Конференцияда аҳоли ўртасида тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада ошириш борасида муҳим таклифлар ўртага ташланди.

Фаргона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАМОЙИЛЛАРИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Инсон саломатлигини асраш ва мустақкамлаш, қолаверса, узоқ умр кўришининг гарови соғлом турмуш тарзи эканлиги бугун барчага аён ҳақиқат. Зеро, ҳар биримиз, энг аввало, ўз соғлигимизни ўйлашимиз даркор. Ана шунда хотиржам ва фаровон ҳаёт кечирган, кўплаб асоратли хасталикларнинг олдини олган бўламиз.

Олимларнинг фикрича, соғлом турмуш тарзи олти асосий шартга амал қилишга асосланар экан. Улардан **биринчиси**, тўғри овқатланиш бўлиб, кундалик истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларни организмнинг физиологик, биологик талаблари асосида танлаш ва истеъмол қилишдир.

Тўғри овқатланиш шундай ташкил этилиши керакки, у ўзининг физик, кимёвий ҳамда биологик хусусиятлари билан инсон танасига оғирлик қилмасин, аксинча, тез ва осон ҳазм бўлиб, организмни керакли озуқавий моддалар билан таъминласин.

Иккинчи шарт – доимо ҳаракатда бўлиш. Киши кундалик ҳаётда жисмоний машқлар, спорт ўйинлари, баданни чиниктирувчи

муолажалар билан кўпроқ шуғулланса, организмдаги физиологик, биологик жараёнлар фаоллашади. Натижада, кайфият кўтарилиб, ишчанлик қобилияти ортади. Шубҳасиз, бу саломатликни мустақкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Учинчи шарт – кун тартиби ва ишни биологик режими асосида ташкил қилиш. Коинотда табиий ҳодисалар маълум бир тартиб асосида такрорланади. Хусусан, куннинг ҳар кун маълум вақтда чиқиши ва ботиши, йил фасллариининг ҳар йили такрорланиши табиатдаги барча ҳаракатлар маълум бир тартибга бўйсунганидан далолатдир. Ва инсон ҳам бундан мустасно эмас.

Мисол учун, инсон танасидаги фаоллик кундузи ортади, кечаси сусаяди. Шу

боис ҳам иш куни, дам олиш вақти тўғри режалаштирилган бўлиши керак.

Тўртинчи шарт – рухий осойишталикни таъминлаш. Маълумки, бизнинг танамиз, ички аъзолар фаолияти асаб тизимига бевосита дахлдор. Уларнинг меъёрий фаолияти рухий ҳолатимиз, кайфиятимизни белгилайди. Шу маънода худа-беҳудага жиззакилик қилмай, яхши нарсалар ҳақида ўйлаб, оқилона фикрлаш, ёмонликлардан тийилиш, нафсга эрк бермаслик, хушфезъл, хушмуомала бўлиш соғлиқни сақлаш ва мустақкамлашнинг гаровидир.

Бешинчи шарт – ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик сингари зарарли одатлардан тийилиш. Бу иллатларнинг соғлиқ ва турмушга зиёни бисёрлигини алоҳида таъкидлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Зеро, бундай кишиларнинг ҳаётга бефарқ, кун ўтсин учун яшовчи, ўз соғлиғи ва келажагини ўйламайдиган заиф одамларга



айланиб қолиши ҳаётда кўп кузатилган. Бу ачинарлидир.

Олтинчи шарт – озодалик, орасталикка риоя қилиш, атроф-муҳитга муносабат масаласи. Кундалик ҳаёти асносида инсон атроф-муҳитга маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, ҳаётимиз учун зарур бўлган озиқ-овқатлардан

чикинди ҳосил бўлиши ўта табиий ҳол. Биласиз, чиқитларни тўғри келган жойга ташлаш туфайли атроф-муҳит ифлосланади: сув, тупроқ ва ҳавода саломатликка салбий таъсир қилувчи омиллар вужудга келади. Шунинг учун ҳам озодаликка қатъий амал қилиш кундалик турмушимизда одатий ҳолга айланиши керак.

Наргиза САГДУЛЛАЕВА,

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг бош ҳамшираси.

Тиббиётимиз ютуқлари

СИРДАРЁЛИК КАРДИОЛОГЛАР БЕМОРГА СТЕНД ҚЎЙИШ АМАЛИЁТИНИ ЎТКАЗДИ

Ўткир миокард инфарктни бошдан ўтказган ва юрак коронар томирларида муаммоси бор беморларни соғлиғини тиклаш ва умрини узайтириш мақсадида Сирдарё вилоятидаги вилоят кардиология диспансерида рентгенендоваскуляр жарроҳлик бўлими фаолияти йўлга қўйилганига унча кўп вақт бўлмади.

Дастлаб, бу ерда диспансернинг малакали мутахассислари Республикаимиздаги юрак кон-томир касалликларга ихтисослашган клиникаларнинг малакали мутахассислари билан ҳамкорликда 4 та беморда коронар кон-томирлари билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказиб, коронар кон-томирларига стенд ўрнатилган бўлса, бугунги кунга

келиб бундай амалиётлар сони 25 дан ошиб кетди.

Қолаверса, Сирдарёлик малакали мутахассислар томонидан 50 дан ортик беморда коронарография диагностик амалиёти ҳам муваффақиятли ўтказилди. Бу эса беморларга аниқ ташхис қўйиш имконини берди. Диспансерда даволанган ва даволанаётган беморларни аҳоли яхши.

Рентгенендоваскуляр жарроҳлик бўлими мазкур диспансер ишга тушмасдан аввал турли оворагарчилик ва муаммоларга дуч келаётган эди. Энди бундай муаммоларга ўрин қолмади. Бу албатта, биринчи навбатда Давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлиги ва тиббиёт тизимига бўлган эътибор ва ғамхўрлигидир. Қолаверса, қўшни давлат, қўшни вилоят фуқаролари ҳам юрак-кон томир касалликлари билан боғлиқ касалликларини даволатиш, соғлиқларини тиклаш учун Сирдарёлик кардиологларга мурожаат қила бошлади.



Сирдарёлик мутахассислар бу билан чекланибгина қолмай, юрак кон-томири билан боғлиқ касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш устида изланишларни давом эттиряптилар.

Ғулом ПРИМОВ,

Сирдарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати ходими.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Бу, организмни нормал ўсиши, ривожланиши, соғлом ҳаёт кечириши ва касалликларни олдини олиш учун муҳимдир!

Соғлом овқатланиш билан семизлик, юрак кон-томир касалликлари, диабет, юқори қон босим ва саратон касалликлари олди олинади.

ТАВСИЯЛАР:

Идеал рацион тузишда инсонни меҳнат фаолияти,

ҳаёт тарзи, яшаш жойи инobatта олинши керак!

— Тана массасига, маҳсулотлар калорияси мос бўлиши.

— Тана масса индексини доим назорат қилиш.

— Ёғлардан энергия олишни чеклаш керак. Кунлик эҳтиёж тўйинган (хайвон) ёғлар 1/3, тўйинмаган (ўсимлик) мойлар 2/3 қисмини ташкил қилиши керак.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 33-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Хасанова Дилноза Файзиллаевнага берилган UN №1002000 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1024 нусха.
Буюртма Г-340

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Намоз Толипов.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.